

О.М.Очилов,
филология фанлари номзоди, доцент
Н.Ч.Қодирова,
ТДШУ талабаси

ХИТОЙ ТИЛИ МУРОЖААТ СЎЗЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАРЖИМА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Аннотация: Хитой тилида мурожаат шакллари хилма хиллиги, лакуналарнинг кўплиги уларни ўзбек ёки бошқа чет тилига таржима қилишда сезилади. Шу сабабли, таржима пайти эквивалентларни қидириш жуда самарасиз бўлиб, асосан мурожаат шаклининг маъноси ва вазият назарга олинса натижа анча яхши, таржима асл маънога яқин амалга оширилади. Шу жиҳатдан мақолада хитой тили мурожаат сўзларини таржима қилишнинг мақбул усуллари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: мурожаат, прагматика, таржима усуллари, семантика, лакуна

Аннотация: Многообразие форм обращения в китайском языке, обилие лакун чувствуется при переводе их на узбекский или другой иностранный язык. Поэтому поиск эквивалентов во время перевода очень неэффективен, лучшего результата при переводе можно достичь, если учитывать значение формы обращения и принять во внимание ситуацию, в которой произносится данное обращение, при использовании такого метода перевод становится наиболее близким оригиналу. В связи с этим в статье обсуждаются оптимальные методы перевода слов-обращений китайского языка.

Ключевые слова: обращение, прагматика, методы перевода, семантика, лакуна

Annotation: The diversity of forms of address in Chinese, the abundance of lacunae is felt when translating them into Uzbek or another foreign language. Therefore, the search for equivalents at the time of translation is very inefficient, mainly considering the meaning of the reference form and the situation, the result is much better, the translation is done closer to the original meaning. In this regard, the article discusses the optimal methods of translating Chinese reference words.

Key words: appeal, pragmatics, translation methods, semantics, lacuna.

Мурожаат сўзлари тил алоқасида унчалик катта миқдорни ташкил этмасда, бироқ, тилнинг энг асосий таркибий қисмларидан бўлиб, у кўп ҳолларда тил алоқасида бошланғич нуқта сифатида баҳоланади ҳамда мулоқатнинг қай даражада муваффақиятли амалга ошишида муҳим рол ўйнайди. Мурожаат сўзларидан мулоқатга киришувчи икки томоннинг салоҳияти, ижтимоий ўрни, йироқ-яқинлик муносабати, мақсади кабиларни билиб олиш мумкин. Тилнинг ифодалаш шакли бўлган мурожаат сўзлари ўзи оид бўлган маданият ва жамият

билан узвий равишда боғланган бўлади. Ҳар бир тилнинг ўзига хос мурожаат усуллари ва уларнинг ишлатилиш қонун-қоидалари мавжуддир. Агар суҳбатдошлар алоқада одат бўлиб шакилланган мурожаат усулларига озгина бўлсада ўзгартириш киритса, муносабатларда чалкашлик юзага келиши ва аксарият ҳолларда муваффақиятсизликка дуч келиши табиий жараёндр. Бундан ташқари, мурожаат сўзлари тил контексти билан ҳам мустаҳкам боғланган бўлиб, ҳар бир мурожаат сўзи сўзловчи тарафидан бир қатор тил муҳити омилларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда синчковлик билан танлаган бўлмоғи шарт.

Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан чет тилларини ўрганишни янада чуқурлаштириш ва аслиятдан қилиниётган бадиий асар таржималарининг сони ва сифатини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мурожаат сўзлари мулоқот жараёнида ўта муҳим вазифани амалга оширар экан, уларни бошқа бир тилларга тўғри таржима қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Турли миллатларда турли хил мурожаат сўзлар тизими мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзида ижтимоий алоқа натижасида юзага келган бўлиб, маълум бир миллатнинг одат ва маданиятини акс эттиради. Шу сабабдан, мурожаат шакллари нафақат тилшунос, сотциолингвист мутахассис учун балки антрополог, психолог ва маданиятшунос олимларнинг тадқиқот объекти саналади. Ян Ёнглин фикрича, мурожаат шакллари тизимини ўрганиш тарихий ва маданият нуқтаи назаридан катта қимматга эга¹.

Хитой тили мурожаат шакллариининг прагматик вазифалари. Прагматика соҳасида кўплаб Хитой олимларининг фикрлари бор – Хи Зиран фикрича бу фан тилни маълум бир вазиятда қўлланилиши, ижтимоий контекст шароитида ўзгаришини тадқиқ этади².

Бир қатор Хитой олимларининг (Вей Жичянг, Бао Хуйнан) фикрича, хитой тилидаги мурожаат шакллариининг бир қатор, бошқа тилларда учрамайдиган прагматик функция-вазифалари мавжуд экан³.

Ифода вазифалари. Шахс, буюм, жой ёки воқеа билан боғлиқ номланиши, уларни ифодалаш вазифаси

Шахс ифодаси. Шахс ифодаси билан боғлиқ сўзлар сохта мурожаат шакллариининг асосини ташкил қилиб, уларни учга – “自称”, “对称” ва “他称” га ажратиш мумкин.

“自称” биринчи шахс учун қўлланилиб, унинг прагматик вазифаси «мен, биз» сўзларига тенг.

Мисол учун: 武松道:“既是到了, 你且在别处等我。我自去寻他。”

施恩道:“这话最好。小弟自有安身去处, 望兄长在意切不可轻敌。”(“水浒传»)

对称 – сен, сиз прагматик вазифасида иккинчи шахс кишилиқ олмошини ифодалайди.

¹杨永林, 2004, 《社会语言学研究:功能·称谓·性别篇》〔M〕上海:上海外语教育出版社。-736.

²何自然, 1997, 《语用学与英语学习》〔M〕上海:上海外语教育出版社。-86.

³韦志强, 1994, 称呼的类型及其语用特点[J]《世界汉语教学》第2期; 包惠南, 2001, 《文化语境与语言翻译》〔M〕北京:中国对外翻译出版公司。

Мисол: 冯紫英道: 没有什么话 老伯 只管下棋, 我也学几着儿 (《红楼梦》)

He称 эса учунчи шахс бирлик ва кўпликни ифодалаб, прагматик вазифаси «у, улар»ни англатади.

Мисол: 郭襄一听, 好生失望, 登时眼眶便红了, 道: “大哥哥 说有事不能来看我么? 可是他答应过的……” (《申雕侠侣》)

Ёш ифодаси. Хан миллатининг энг аҳамиятли расмиятчилиги ёш билан боғлиқ ва суҳбатдошлар турли ёшдаги шахслар бўлиб, бир мавқеъда бўлганда, олдинги ўринга чиқади.

10-мисол: 张静斋: “老伯母, 我们做工且的理应效劳...” (《儒林外史》)

Рол ифодаси. «Рол» сўзи Лотин тилидаги Ротулус сўзидан олинган бўлиб, умуман сахнадаги ижрочининг бажарадиган вазифасини белгилайди ва сотсиологияда ҳам жамият катта бир сахна бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси алоҳида ролига эга.

Ижтимоий рол кишининг эгаллаган мавқеъи ва лавозимига мувофиқ ҳуқуқ ва бурчларини ифодалайди ва кишидан маълум бир ахлоқ нормасига амал қилишни талаб қилади.

Ҳаллидай фикрича жамиятда ҳар бир шахс ўзининг бир нечта атрибутларига эга – жинс, ёш, мавқеъ, дини, сиёсий ўрни, таълим даражаси, оилавий шароити кабилар ва шундан келиб чиқиб, барчаси мувоффиқ ўз мурожаат шаклларига эга⁴.

Эмоция-Ҳис ифодаси

Шахслараро мулоқотда кишиларнинг мурожаат шакллари шахсий ҳолат, кайфиятга ҳам боғлиқ бўлади.

11-мисол: “你 且站着, 我知道你不理我; 我只说一句话, 从今以后……”

“……暖, 当初姑娘来了, 那不是我陪着玩笑?”

“……我也知道我如今不好了, 但只凭我怎么不好, 万不能在妹妹跟前有错处。”(《红楼梦》)

Ушбу суҳбат аввалида Пао-ю ғазабда Таи-юга “你” (сен) деб мурожаат қилади. Бироқ, кейин Пао-ю ўзининг Таи-ю билан ўтказган даврини эслаганида “姑娘” (қизалоқ, яхши қиз) шакли билан Таи-юга ҳурматини намоиш қилади. Ниҳоят йиғлаётган Таи-юни кўргач уни юпатиш, меҳр кўрсатиш учун “妹妹” (синглим) сўзини қўллайди.

Кишилараро муносабат ифодаси. Кишилар аро муносабат аввало уларнинг психологик дунёқараши билан боғлиқ ва уларнинг яқин ёки бегона сезиши билан боғлиқ. Хитойликларда ЁМен билан боғлиқ оиламъ ва Ёмень тушунчалари алоҳида аҳамиятга эга. Ғарбона фикрловчикишиларда Ёмень ва барча қолган кишилар тушунчаси сабаб, баъзан тушунмовчиликларга дуч келиш мумкин. Ўзига яқин олган кишига Хитойлик ўзидек муносабатда бўлган ҳолда, турли конфликтлар келиб чиқиши кузатилган.

⁴ Halliday, M.A.K.1978. Language as a Social Semiotics [M] London: Edward Ainol Publishers Ltd. -86.

Ижтимоий вазифалар. Хитой худудида давом этган кўп асрлик феудал ижтимоий муносабатлар анъанавий табақалаш ва мавқеъ тушунчаларини кишилар онгига сингиб кетган ва у ёш, ижтимоий мавқеъ ва ўзаро қариндошлик алоқаларига таянади. Шу сабабдан бу вазифани - табақалашни мурожаат шакллари орқали амалга ошириш мумкин.

Муносабатнинг яқин-узоклиги – қариндошлик. Минглаб йил олдин Конфутсий айтган «Ер юзидаги барча кишилар оға-инидирлар» деган фикрига суянган ҳолда, бегоналарга ҳам қариндошлик мурожаат сўзларини қўллаш ўзаро яқинликни ҳосил қилади ва мулоқотнинг самарасини белгилайди.

12-мисол: (士隱) 笑道: 雨村兄, 真抱负不凡也!”(《红楼梦》)

Кишининг мавқеъи Хитой жамиятида энг ҳал қилувчи кўрсаткичлардан бўлиб, унга мувоффиқ мурожаат шаклини танлаш ҳар икки суҳбатдош учун зарур шартдир.

13-Мисол: 刘姥姥只得蹭上前来问道: “太爷们纳福。(《红楼梦》)

Мулойимлик, ҳурмат. Ўзгага ҳурмат ва мулойимлик хитойлик учун энг муҳим шахсий сифатлардан бўлиб, «Зуо Жуан»да шундай ўғитни учратамиз – «Нигоҳинг, сўзинг ва ҳаракатинг билан мулойимликка хилоф иш қилма». Шундан ўзгага мурожаат ҳурмат билан, ўзини назарда тутганда (камина) ўта камтарлик билан сўзлаш талаб қилинади.

14-мисол: 鲁编修道: “老世兄, 做穷翰林的人, 只望着几回差事。……况且弟年将五十而又无子息...”

四公子道: “小弟总是闲着无事的人, 因见天气晴暖, 同家兄出来闲游, 也没什么事。”(《儒林外史》)

Хитой тили мурожаат шаклларини таржима қилиш усуллари. Таржима тиллараро ижтимоий-маданий машғулот бўлиб, бир тилдаги текстни бошқа тилдаги функционал бир хил текст шаклига ўтказишга айтилади. Муваффақиятли таржиманинг асосий жиҳати уни икки тарафдан бутлигидир – бири, аслиятдаги текстга тенг бўлиши ва таржима мўлжалланган тингловчилар маданий шароити назарда тутилган бўлиши. Эквивалент таржимага эришиш учун лингвистик-текстуал ёндашув зарур бўлиб, бир қатор эквивалентлик кўрсаткичлари тадқиқ этилган– экстралингвистик вазият, коннотатив қадриятлар, тингловчига мослаштириш ҳамда бир қатор тадқиқотлар – чоғиштира риторика, қиёсий прагматик анализ, текстларнинг параллел таржимаси каби. Эквивалент – тенгкучли атамаси таржимага нисбата ҳеч қачон мутлоқ бўлмай, маълум бир шароитда, бир қатор шартларга жавоб берадиган ав бошқа маъно ҳосил қилмайдиган таржимага нисбатан қўлланилади.

Қандай таржима бўлишидан қатъий назар, у семиотика, лингвистика, контекст, лексик, ижтимоий, маданий ва психологик факторларни назарда тутган ҳолда амалга оширилади ва бугунги кунда барча факторлар аҳамияти исботланмоқда⁵.

⁵ Hiekey L.1998.The Pragtics of Translation [M] UK: Multilingual Matters Ltd. -1 б.

Айни дамда эквивалент атамаси ҳақида бахслар бўлаяпти ва унинг ўрнига яқин таржима, ноаниқ таржима каби сўзлар билан номлаш тўғрироқ бўлади, чунки ҳамма томонни ҳисобга олиб қилинган таржима деярли иложсиз иш саналади.

Мисол учун лингвистик жиҳатига аҳамият қаратиб қилинган таржима (кўп ҳолда сўзма сўз таржима деб аташ мумкин) динамик таржимадан (ўқувчига таъсир эътишга мўлжалланган) анча фарқ қилади.

Хитой маданияти ва бошқа халқлар маданияти ўртасидаги катта фарқ сабаб, мурожаат шакллари таржимаси ҳам шу фарқларни назарда тутиб амалга оширилиши зарур. Йин Фулин таржима усуллариининг учга ажратади: семантик эквивалент усули, семантик қўшиш ёки тушириб қолдириш усули ҳамда прагматик тенг бирикма усули⁶. Шу сабабли ҳам биз хитой тилидаги мурожаат шакллари таржима усуллариини икки гуруҳга ажратиб ўрганамиз – бири семантик жиҳати ва иккинчиси прагматик жиҳатидан.

Семантик жиҳатидан олинган усул. Семантика нутқ орқали етказиш мумкин бўлган маънони ўрганади. Шу сабабдан семантик таржима лексик ва грамматик структурага диққатни қаратиб, сўзлардаги маънога мувофиқ асл текстга яқин маънони беришга ҳаракат қилади⁷. Яқин деганда, таржимон текстнинг мазмунидан ташқари унда қўлланилган усул ва грамматик шакллари ҳам қайта тиклаб беришга интилиши зарур. Шубҳасиз, ҳар қандай тил учун текстдаги сўз танлови, лексика энг аҳамиятли соҳадир. Айнан лексика, сўз бойлигида тилларнинг умумий ва умуман ўзгача экани намоён бўлади⁸.

Мисол учун, хитой ва ўзбек тиллари бошқа - бошқа тил оилаларига мансуб ва лексик жиҳатдан улкан фарққа эга. Шундан келиб чиқиб, ўзбек тилига таржима қилинаётганда мурожаат шакллари аввало семантик тарафдан таржима қилиниши зарур.

Семантик эквивалентлар усули. Тиллар ўртасида нарсаларни номлаш ҳеч қачон ўхшашлик учрамагани каби, бир тилда сўзловчи кишилар ҳам сўзларини танлашда фарқли йўлдан борадилар. Лекин деярли барча тилларда нарсаларга берилган маъно, улар ифодалайдиган нарсалар деярли ўхшашдир. Буни фанда тиллар ўртасидаги семантик маъно ангашиши деб аталади. Шунча фарққа қарамай, хитой тилидаги баъзи бир мурожаат шакллари бошқа тиллар билан бир хил семантик вазифани бажаради ва бу таржима жараёнини осонлаштиради. Мисол учун –“父亲” *ота* деб таржима қилиш мумкин, “母亲” *она*, каби. Бир қатор ижтимоий вазифа, лавозимни англатган мурожаат шакллари “шахс фамилияси + 先生/太太/小姐/教授/博士” бошқа тилга “*жаноб, ҳоним, профессор, доктор + фамилия*” тарзида таржима қилинади.

Семантик қўшиш ёки камайтириш усули. Кўплаб тушунчаларнинг мос келишидан ташқари, семантик бўшлиқлар ҳам учраб туради, яъни бир тилде

⁶尹富林, 2003, 英汉称谓语的语用功能比较与翻译[J]《中国翻译》第3期。

⁷Saeed J.I. 2000. Semantics [M] Beijing: Foreign Language Teaching and Research Press & Oxford:Blackwell Publishers Ltd. -8 б.

⁸谭载喜, 2000, 《翻译学》[M]武汉:湖北教育出版社。-291 б.

бор тушунчанинг бошқасида умуман учрамаслиги, каби. Маълум бир яқинлик, қариндошлик мурожаат шакллари бошқа тилларда кам учрайди. Шунга мувофиқ уларни таржима қилаётганда семантик қўшиш ёки тушириб қолдириш усулидан фойдаланган маъқулроқ.

15-мисол: 忽见素云进来说:“我们奶奶请二位姑娘商议要紧的事呢。三夕查盛鱼二三姑娘、四姑娘、史姑娘、宝二爷, 都等着呢。”(《红楼梦》)

Шунда Су-юн чиқиб эълон қилди, “Хоним ҳар иккингишни бориб, у билан маълум бир масалаларни муҳокама қилишингизни айтди. Устоз Па ва барча хонимлар аллақачон ўша ерда сизни кутишмоқда” (сўзма сўз таржима: Шунда Су-юн чиқиб эълон қилди, “Хоним ҳар иккингишни бориб, у билан маълум бир масалаларни муҳокама қилишингизни айтди. Иккинчи хоним, учинчи хоним, тўртинчи хоним, бешинчи хоним ва устоз Па барчаси аллақачон ўша ерда сизларни кутишмоқда)

Бу семантик қисқартириш, соддалаштириш усулига мисол бўла олади. Хитой тилида фарзандлар, ака-укалар ва жиянлар ўртасидаги ёшдаги фарқни ифодалайдиган мурожаат сўзлари ўзбек тилида учрамайди. “二姑娘” ни *иккинчи хоним*, 三姑娘 ни *учинчи хоним*... деб таржима қилиш ўқувчини эътиборини чалғитади, шу сабаб бу ўринда тушириб қолдириш мумкин.

Прагматик эквивалент усули. Юқорида айтиб ўтилгайдек, таржима бир тилдаги текстни бошқа тилга функционал эквивалентини топишни талаб қилади. Мурожаат шакллариининг прагматик маъноси аввало контекстга боғлиқ. Америкалик лингвист Эрвин-Триппнинг таъкидлашича, бирор шахсга мос мурожаат шаклини бузиб, мос бўлмагани билан алиштириш ортида аниқ бир мақсад ётади. Бундай ўзгариш сўзловчининг кайфияти ёки муносабатидаги ўзгариш билан бевосита боғлиқдир.

Умумий қилиб айтганда, прагматик ёндашишнинг мақсади – таржиманинг жараёни, маҳсулини асл текст муаллифига қиёсан, қандай ўзгартиришлар билан, контекстдаги қайси омилларни назарга олган ҳолда қилинганини аниқлайди.

Таржимон эътиборини нафақат матндаги зарур ва маданий бўёқдор сўзлар таржимасига қаратиши, балки текстнинг бутунлиги, унинг мазмунини сақлашга интилиши керак. Шундагина прагматик эквивалент ҳосил бўлади.

Мисол: 贾家下人说: 过了几日, 姨太太带了哥儿姐们全家进京, 在门外下车了。(《红楼梦》第四回第 109 页)

Хизматкорнинг айтишича, бир неча кунлар ўтиб, Э хоним ўгли ва қизини олиб пойтахтга кириб келибди. Дарвоза ёнига келиб, аравадан тушишибди. (сўзма сўз таржима: Хизматкорнинг айтишича, бир неча кунлар ўтиб, Э хоним ака а опани олиб пойтахтга кириб келибди. Дарвоза ёнига келиб, аравадан тушишибди.)

Матндан билиб олишимиз мумкин-ки, унда айтилаётган 哥儿 (ака), 姐们 (опа) Э хонимнинг қўл остида ишловчиларнинг унинг фарзандларига нисбатан қўллайдиган мурожаат атамаларидир. Бироқ, матндаги ака, опа мурожаат сўзларини таржимада мос эквивалентини келтирмасдан, тўғридан тўғри

ўгирилиши таржима мазмуни ўқувчи учун тушунарсиз ҳолатга олиб келади. Прагматик таржима нуқтаи назардан 哥儿 (ака), 姐们 (опа) сўзларини «ўғли» ва «қизи» каби эквивалентларга алмаштирилиши матн бутунлиги ва унинг мазмунини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

Хитой тилида мурожаат шакллариининг хилма хиллиги шубҳасиз ва бу айниқса уларни ўзбек ёки бошқа чет тилига таржима пайти сезилади. Шу сабабли, таржима пайти эквивалентларни қидириш жуда самарасиз бўлиб, асосан мурожаат шаклининг маъноси ва вазият назарга олинса натижа анча яхши, таржима асл маънога яқин амалга оширилади.

Эквивалент – тенгкучли атамаси таржимага нисбата ҳеч қачон мутлоқ бўлмай, маълум бир шароитда, бир қатор шартларга жавоб берадиган ав бошқа маъно ҳосил қилмайдиган таржимага нисбатан қўлланилади.

Хитой ва ўзбек тиллари бошқа - бошқа тил оилаларига мансуб ва лексик жиҳатдан улкан фарққа эга. Шундан келиб чиқиб, ўзбек тилига таржима қилинаётганда мурожаат шакллари аввало семантик тарафдан таржима қилиниши зарур.

Прагматик ёндашишнинг мақсади – таржиманинг жараёни, маҳсулини асл текст муаллифига қиёсан, қандай ўзгартиришлар билан, контекстдаги қайси омилларни назарга олган ҳолда қилинганини аниқлаш.

Таржимон эътиборини нафақат текстдаги зарур ва маданий бўёқдор сўзлар таржимасига қаратиши, балки текстнинг бутунлиги, унинг мазмунини сақлашга интилиши керак. Шундагина прагматик эквивалент ҳосил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Yang Xianyi & Gladys Yang, 1994. A Dream of Red Mansions [M] Beijing: Foreign Languages Press.
2. Yule, G 1996. Pragmatics [M] Oxford: Oxford University Press.
3. 曹雪芹、高鹗, 1974, 《红楼梦》 [Z]北京:人民文学出版社。
4. 陈原, 2000, 《社会语言学》 [M] 北京:商务印书局。
5. 陈原, 1998, 《语言学论著》 [M]沈阳:辽宁教育出版社。
6. 包惠南, 2001, 《文化语境与语言翻译》 [M] 北京:中国对外翻译出版公司。
7. 何自然, 1997, 《语用学与英语学习》 [M] 上海:上海外语教育出版社。
8. 胡壮麟, 2001, 《语言学教程》 [M] 北京:北京大学出版社。
9. 黄涛, 2003, 村落拟亲属称谓制的社会功能[J] 《社会科学研究》第 6 期。
10. 刘必庆, 2001, 《翻译与语言哲学》 [M] 北京:中国对外翻译出版公司。